

# YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCE.UZ

# 2023

DAVRIYLIGI:  
2018-2023

CONFERENCE.SUZ

DAVRIYLIGI:  
2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF  
ETILGAN DNK

KONFERENCIЯ | CONFERENCE | RESUBLIKA KО'Р TARMOGLI ILMIY KONFERENSIЯ

Johann Friedrich Mischer



TOSHKENT SHAHAR, AMIR  
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00



[WWW.TAQIQT.uz](http://WWW.TAQIQT.uz)  
[WWW.CONFERENCES.UZ](http://WWW.CONFERENCES.UZ)



# SENTRYABR №56

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:  
ИННОВАЦИЯ, ФАН  
ВА ТАЪЛИМ  
23-ҚИСМ**

---

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:  
ИННОВАЦИИ, НАУКА  
И ОБРАЗОВАНИЕ  
ЧАСТЬ-23**

---

**NEW UZBEKISTAN:  
INNOVATION, SCIENCE  
AND EDUCATION  
PART-23**

**ТОШКЕНТ-2023**



“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 56-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажида Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибай Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содикович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содикович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

<b>1. Юсупов Сардор Абдимович</b> ГИЛОС ЎСИМЛИГИДА КЕСИШ УСУЛЛАРИНИЙСИШИ ҲАМДА МЕВАСИФАТИГА ТАЪСИРИ .....	7
<b>2. Шерипбаев Невъматулла Сатимбаевич</b> ОЛМА ПАЙВАНДТАГЛАРИДА КУРТАКЛАРНИНГ УНУВЧАНЛИГИГА ПАЙВАНД ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ .....	9



## АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### ГИЛОС ЎСИМЛИГИДА КЕСИШ УСУЛЛАРИНИЙСИШИ ҲАМДА МЕВАСИФАТИГА ТАЪСИРИ.

**Юсупов Сардор Абдрамович**  
Академик М.Мирзаев номидаги  
БУВИТИ таянч доктарант  
Телефон:+998(94) 3129105  
sardor.yusupov1991@gmail.com

**Анотация:** мақолада гилос боғларида ёзги ва қишиги кесиш тадбирлари, кесиш муддатлари, навдаларнинг ўсиш ва ривожланиши, хосилдорликка таъсири ҳамда муаммо ва ечимлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** боғдорчилик, дараҳт, гилос, мева, навда, ёзги кесиш, қишиги кесиш, хосилдорлик ва ёруғлик.

Сўнги йилларда замонавий воғдорчиликда шакл бериш билан биргаликда кесиш ва вуташга ҳамда бу тадбирларни амалга ошириш муддатларига алоҳида ургу берилмақда. Боғдорчилик соҳаси илгари ўтказилган изланишлар натижасида дараҳтларни кесиш мевага киришни кечиктиради, хосилдорликни камайтиради, дараҳт ҳажмини кичиклаштиришга олиб келади ва кесилган жойда новдалар ўсишини кучайтирадидеган умумий тушунчани пайдо бўлишига сабаб бўлган ва кесиш дараҳтнинг дастлабки йилларида бажарилиши керак дейилган. Охирги изланишлар юқоридаги хулосалар кучсизлигини ва кесишнинг таъсири кесиш даври ва унинг даражаси, навлар, дараҳт ёши, боғташкил этилган жой ва шакл бериш усули каби омиллар таъсир қилишини кўрсатмоқда. Биз биринчи навбатда шакл бериш ва кесишни бир биридан фарқлаб олишимиз керак. Шакл бериш бу кўчат экилгандан кейин маълум бир формага солиш учун амалга ошириладиган тадбир ҳисобланади, кесиш эса дараҳтларни ўсиш кучини ва хосилни бошқариш, ҳаво яхши айланиши ва қуёш нури яхши тушиши учун навдаларни учини қайтариш ва тагидан кесиб олиб ташлашга айтилади.

#### Кесиш усуллари

▪ ёзги кесиш—вегитация даврида новдаларни танлаб тагидан ва қайтариб кесиш, ёзги кесиш кеч баҳорда ва ерта кузда амалга оширилади.

▪ қишики кесиш –тиним даврида новдаларни танлаб тагидан ва қайтариб кесиш, қишиги кесиш кеч куздан эрта баҳоргача амалга оширилади.

Ёзги кесиш дараҳтларни кучсиз ўсишига олиб келади.Ёзги кесиш мавсумда қанча эрта амалга оширилсадараҳтларни кучсизлантиришга таъсири шунчалик кучлибўлади. Шу билан бирга ёзги кесиш кесилган новда ёкишохнинг ўсишини кучайтиради. Дараҳтларда ўсишнингкучсизланиши тўғридан тўғри кесиш кучига ёки даражасига боғлиқ. Кесилган новданингэнгучкиртагидан ўсишкучи кесиш дараҷасининг кучигабоғлиқ, қанчалик кесиш дараҷаси кучли бўлса шунчалик ўсишкувати ҳам кучли бўлади. Кесиш бўйича ўтказилган бир неча тадқиқотларқуидагиларни кўрсатган. Қишида кам кесилган дараҳтдарэнг кўп гулга эга бўлган ва қанчалик кесиш кучи ортгансари гулкуртаклар сони шунчалик кам бўлган. Ёзги кесишҳам, вақтидан қатъий назар, гулкуртаклар сонини камайишига олиб келган. Ёз ва қишида кучли кесилган дараҳтларэнг кам гулкуртакларга эга бўлган. Хосилдорлик ҳам гулкуртакларга боғлиқ ҳолда қишида кам кесилган дараҳтларда энг юқори бўлади. Барча ҳолатларда кам кесилган дараҳтларда умумий ўсиш миқдори, кучликесилган дараҳтлардан кўра, кўп бўлган.Ёзги кесишни дараҳтларнинг ўсишини камайишига олиб келишининг асосий сабаби кесиш натижасида дараҳтларни ўсишига озуқа берувчи баргларни камайиши ҳисобланади. Агар ёзги кесишжуда кеч амалга оширилса, дараҳтларда янги навдалар пайдо бўлиши натижасида дараҳтлар қишгатайёргарлиги кечикади ва қишики совуқлардан заарланади. Тиним даврини бошларида кесишэса кесилган жойни баҳоргача битмаслиги натижасида, кеч баҳорда кесишга нисбатан, касалликлар билан кўпроқ заарланишига олиб



келиши мумкин. Яна бир изланиш кам ўсган дараҳтлар кўпўсган дараҳтларга нисбатан қишики совуқлардан кўпроқ заараланганини кўрсатган. Бунинг натижасида иқлим шароити қулай бўлган вақтда 4-5 ҳафтада кесилган шоҳларда пукаксимон каллюс пайдо бўлиб кесилган танани қоплаб олади. Аксинча қишида кесилган шоҳлар қисми кейингибаҳоргача яралари битиб кетмасдан касалликлар билан заарланиши мумкин. Шу каби хавфларнинг мавжудлиги сабабли европада гилос етиштириувчилар кесишни гуллашдан кейин ёки август охири ва сентябрь ойининг бошларида амалга оширадилар.

**Кесишни мева йириклигига таъсири.** Гилос дараҳтларида ҳам меванинг йириклиги барг сонига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бирдона гилос мевасини йирик ва сифатли бўлиши учун камида 5 -6 та барг бўлиши керак. Гилосмеваларининг ҳажми гулкуртаклар гуллаш даврига қараб ўзгаради. Кечроқ очилган гуллардамева ҳажми кичикроқ бўлади. Гилосларда гулларнинг дараҳтда кеч очилишига уларнинг шоҳдажойлашган жойи таъсири ўтказади. Гулкуртаклар шоҳнинг учки томонида биринчи бўлиб очилсава шоҳнинг таг қисмидагилари кечроқ очилади. Меваси йирик гилослар юқори нархлардасотилишини ҳисобга олиб гуллашдан аввал шоҳларни сийраклатиш орқали мева сонини камайтириш ёки бошқа мева сонини камайтирувчи усуллардан фойдаланиш яхши натижаларга олибкелади. Мевалар йирик бўлишига қарамасдан мева сонини камайтириш умумий ҳосилдорликнинисбатан камайтишига олиб келади.

**Кесиш дараҳтларга ёруғлик тутишига таъсири ва ёруғликни тарқалиши.** Интенсив гилос боғларида ҳосилдорлик бевосита дараҳтларни қанчалик кўп ёруғликтутишига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Гилос дараҳтларига ёруғликни етишмаслиги новдаларнинг ўсиши ва гулкуртакларнинг ривожланишига салбий таъсири ўтказади. Айрим холларда навдалар ва куртаклар нобут бўлиши ҳам кузатилади. Бундай етишмовчиликнафақат дараҳтларнинг ички қисмida балки интенсив боғларда дараҳтлар орасида ҳам кўришмумкин. Боғларни ташкил этишда асосий мақсад қисқа муддатда дараҳтларни шакллантириш орқали ёруғлик тутишига эришишдир. Шу билан бирга мевалар сифати ва ҳосилдорликка ёруғликкамлиги туфайли зарар етишининг ҳам олдини олиш керак. Новда ва куртакларда барглар бир хил муддатда шаклланади. Спурларда жойлашган барглар тез ривожланиб 20-30 кундан кейин тўлиқ шаклланиб бўлади. Баргларнинг ривожланиши барглар пайдо бўлиши тўхтаган вақтдан кейин ҳам тўхтамайди. Учки куртаклардан ўсадиган новдаларда янги барг ўсиши теримгача давом этади ва новда ўсишдан тўхтаганда эсаулар ривожланишда давом этади. Баргларнинг ривожланиши куртаклар уйғонгандан кейинги 30 кун давомида жуда тез бўлади. Бу нарса қисқа муддатда шоҳ-шаббалар шаклланишига, дараҳтларда ёруғлик тарқалишини ёмонлашувига ва дараҳтнинг ички қисмida ёруғлик 20% гача тушишига олиб келади. Дараҳт шоҳ-шаббасининг қалинлиги 1метр бўлганда ёруғликмиқдори дараҳтнинг ташки қисмida 100% ва ички қисмida эса 10% гача тушиши мумкин. Агар дараҳтларкесилмаса узун новдаларнинг фақатгина учки куртаклари новдаларга айланиб пастки куртаклартиним даврида барг чиқарган ҳолатда қолиб кетади. Бу нарса 1-1.5 метр узунликдаги новдаларнинг пастки қисмida 2-йилда умуман ён новдалар пайдо бўлмайди. Шу сабабли гилослар экилганили ва ундан кейинги йилларда новдалар кесилиши натижасида ён шоҳлар пайдо бўлади. Айримхолларда эса куртаклардан новдалар ўсиб чиқиши учун новдаларни эгиш орқали бунга еришиш мумкин.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ёзги кесиш натижасида ўсишни жуда кам бўлиши ҳам яхши натижага олиб келмайди. Шу билан бирга, дараҳтнинг ички томонига кўпроқ қуёш нурларини кириб бориши новдаларни қишига етилиш (пишиш) даражасини оширади. Агар қишида кесишга мажбур бўлинса, кесилган жойларни 2 соат ичидан сувга асосланган бўёқ (сув асосидан эмульсия) ёрдамида бўяш тавсия этилади. Умуман гилос дараҳтларини кесишдан аввал 10 кун давомида ёмғир ёғмаслигига ва қишида эса 10 кун ичидан ҳарорат -5-10 га тушиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рибаков А.А., Остраухова А.С. Ўзбекистон мевачилиги Тошкент 1980.406.
2. Аброров, Ш. Замонавий интенсив гилос боғлари Тошкент 2018.86-97 б.
3. Бас Ван Ден Энде – Гилос етиштириш. – Австралия, 2016, 3-90 б.
4. А.Э. Қаршиев “Гилос етиштириш” [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021 й. 10-37 б.



**ОЛМА ПАЙВАНДАГЛАРИДА КУРТАКЛАРНИНГ УНУВЧАНЛИГИГА  
ПАЙВАНД ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**Шерипбаев Нематулла Сатимбаевич,**  
Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий  
тадқиқот институти  
таянч докторанти  
Телефон:+998932023232  
nemat.sheripbayev@bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Хоразм вилояти шароитида олиб борилаётган олманинг уруғидан ҳамда вегетатив йўл билан кўпаювчи пайвандтагларига оралиқ қўйилма сифатида М-9 пайвандтаги куртакларининг тутувчанлигига пайванд қилиш муддатларининг таъсири ўрганилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Пайвандтаг, куртак пайванд, пайванд қилиш муддати, оралиқ қўйилма.

Ўзбекистонда олма етакчи мевали экинлардан бири ҳисобланади, у саноат асосида барпо этилган боғларнинг қарийб 70 фоизини эгаллади. Республика ахолисининг мазкур мевага бўлган эҳтиёжини, экспорт ҳажмини ошириш, қайта ишлаш саноатининг эса хом ашёга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш учун яқин келажакда мазкур экиндан маҳсулот етиштиришни икки баробардан кўпроқ ошириш тақозо этилади. Мевали экинларни кучсиз ўсуви пайвандтагларда ўстириш ушбу муаммони ижобий ҳал этишнинг энг самарали ва мақбул ечими ҳисобланади, унинг қўлланилиши саноат асосидаги боғларда ўсимликлар зичлиги ва маҳсулдорлигини икки баробар ва ундан ортиқроқ ошириш имконини беради.

Олманинг уруғидан ва кучсиз ўсуви вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларда интеркаляр кўчат етиштириш технологиясини ишлаб чиқишида асосий эътибор пайвандтаглар ривожланишининг биологик хусусиятларини ўрганишга, куртак пайванд қилиш даврида пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликларида кечадиган ўсув жараёнларининг физиологик ва биокимёвий фаоллигини ҳисобга олган ҳолда пайванд қилишнинг қулаг муддатини аниқлашга, шунингдек юқори сифатли стандарт кўчатлар олиш учун қўлланиладиган бошқа агротехник тадбирларга қаратилади.

«Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишида ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (Х.Буриев, Н.Енилеев ва б.) Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” (Орёл 1999)

Пайвандқилишмуддатлари уруғидан вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларига уланган куртакларнинг тутувчанлиги турлича бўлди. Назорат Уруғкўчат пайвандтагига уланган оралиқ қўйилманинг 20-августда уланган вариантда жами сақланиб қолган куртаклар 65 донани ташкил этди. Кузги-кишги даврда жами 20 дона, жами нобуд бўлган куртаклар 35 донани ташкил қилди. Энг яхши кўрсаткич 10-сентябрда уланган куртаклар бўлиб жами сақланиб қолган куртаклар 85 донани ташкил этди.

Назорат Уруғкўчатга нисбатан энг яхши кўрсаткич Хазорасп пайвандтагига уланган оралиқ қўйилма куртакларида кузатилиб (10.09) жами сақланиб қолган куртаклар 90 донани ташкил қилди.

Вегетатив йўл билан кўпаядиган назорат ММ-106 пайвандтагига уланган оралиқ қўйилма куртаклари 20-августда жами 72 донани, энг яхши кўрсаткич 31-августда уланган куртаклар бўлиб жами сақланиб қолган куртаклар 80 донани ташкил этди. Назоратга нисбатан яхши кўрсатгич ММ-111 ва ММ-104 пайвандтагларига уланган куртакларда кузатилди (10.09 жами сақланиб қолган куртаклар 85 дона).

Олма пайвандтагларига уланган оралиқ қўйилма М-9 куртакларининг тутувчанлигига пайванд қилиш муддатларининг таъсири, 2022 й.

Куртак пайванд қилиш муддати	Куртакларнинг тутувчанлиги, %	Қишики даврда нобуд бўлган куртаклар, дона	Жами нобуд бўлган куртаклар, дона	Жами сақланиб қолган куртаклар, дона



Уруғидан ўстирилган Ургукӯчат пайвандтаги – наз.				
20.08	70	20	35	65
31.08	85	15	20	80
10.09	90	12	15	85
Уруғидан ўстирилган Хазорасп пайвандтаги				
20.08.	70	10	30	70
31.08	90	10	15	85
10.09	95	6	10	90
Уруғидан ўстирилган Қанд олма пайвандтаги				
20.08.	75	10	30	70
31.08	85	12	20	80
10.09	89	7	13	87
Кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган ММ-106 пайвандтаги - наз				
20.08.	72	18	28	72
31.08	82	15	20	80
10.09	84	15	25	75
Кучли ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган ММ-111 пайвандтаги				
20.08.	76	15	30	70
31.08	85	12	18	82
10.09	87	5	15	85
Кучли ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган ММ-104 пайвандтаги				
20.08.	74	12	25	75
31.08	83	10	15	85
10.09	85	8	15	85

**Изоҳ:** пайванд қилинган ўсимликларнинг умумий сони 100 дона.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдикни Хоразм вилояти шароитида пайванд қилиш муддатлари бир-биридан анча фарқ қилди. Энг яхши кўрсаткич 10-сентябрда пайванд қилинган Хазорасп пайвандтагида кузатилиб тутувчанлиги 95% ни, жами сақланиб қолган куртаклар 90 донани ташкил қилди. Куртакларнинг тутувчанлиги юқори бўлиши ва кўп миқдорда сақланиб қолиши худудларга, пайвандтагларга, оптимал пайванд қилиш муддатларига боғлиқ деган фикрга келишимиз мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алиев М.А. Сроки окулировки в Азербайджане // Садоводство – М., 1967. - №2. – 7 с.
2. Ишханиди В.Ф. Можно окулировать раньше // Садоводство. - М., 1964, №6. – 17 с.
3. Ханаева Д.К. Особенности использования осенней прививки для выращивания саженцев яблони на клоновых подвоях в условиях предгорной зоны РСО-Алания: автореф. дис... канд. с.-х. наук – Горский государственный аграрный университет. – 2012. – 16 с.
4. Вехов Ю.К. Клоновые подвои селекции МичГАУ в качестве промежуточных вставок для создания интенсивных садов яблони. // Современное садоводство – Журнал. – 2013. – № 3. 1-8 с.
5. Алферов В.А. Влияние сроков проведения агроприемов на качество саженцев яблони. Методологические аспекты создания прецизионных технологий возделывания плодовых культур и винограда. - 2006. - 276-279 с.

# **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 23-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2023

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000